

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ**


2015 йил 14 октябрь

2718-сон

**Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат
қилиш давлат инспекцияси**

**«Фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг парвоз маълумотларини
йиғиш, таҳлил қилиш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича
авиация қоидаларини (ЎзР АҚ-123) тасдиқлаш тўғрисида»ги**

БУЙРУҚ



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PARVOZLAR XAVFSIZLIGINI NAZORAT QILISH
DAVLAT INSPEKSIYASI BO'SHLIG'INING
BUYRUG'I**

**Фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг парвоз маълумотларини
йиғиш, таҳлил қилиш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш
бўйича авиация қоидаларини (ЎзР АҚ-123)
тасдиқлаш тўғрисида**


Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 90-сонли “Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг парвоз маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича авиация қоидалари (ЎзР АҚ-123) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Бошлиқ

Тошкент ш.,
2015 йил 15 сентябрь,
65-н-сон



Т. Ўлжаев



ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

Фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг парвоз маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-123) 21-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2015 йил 15 сентябрдаги 65-н-сон буйруғи (рўйхат рақами 2718, 2015 йил 14 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 41-сон, 531-модда) билан тасдиқланган Фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг парвоз маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-123) 21-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйрук “Uzbekistan Airways” АЖ билан келишилган.

3. Мазкур буйрук расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир




Э. Ганиев

Тошкент ш.,
2020 йил 01 05,
6 -сон

Келишилган:

“Uzbekistan Airways” АЖ
бошқарув раиси в.б.

2020 йил 01 05



Б. Хакимов

**Фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг парвоз маълумотларини
йиғиш, таҳлил қилиш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш
бўйича авиация қоидалари (ЎЗР АҚ-123)**

Мазкур авиация қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига, Фуқаро авиацияси халқаро ташкилотининг (ИКАО) стандартлари ва тавсияларига мувофиқ, фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг парвоз маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур авиация қоидаларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
парвоз маълумотларини ёзиш ускунаси – ҳаво кемасига ўрнатилган ва парвоз маълумотларини мустақил ёзувчи ускуна;

парвоз маълумотлари – ҳаво кемасининг парвоз маълумотларини ёзиш ускунаси қайд этган параметрик ва товуш маълумотлари;

параметрик маълумотлар – ҳаво кемасининг техник тавсифларини билдирувчи физик диапазонда маълум бир қийматга эга бўладиган кўрсаткичли маълумотлар;

товуш маълумотлари – экипажнинг ички ва ташқи алоқа (радиоалоқа) музокаралари, ҳаво кемаси кабинасидаги сўзлашувлар ҳамда овозли сигналлар, шунингдек парвоздаги бошқа шовқинлардан иборат товушли маълумотлар;

ҳаво кемасининг эксплуатанти – ҳаво кемасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эгалик қилувчи, шу ҳаво кемасидан фойдаланишни амалга ошириш қобилияти эксплуатант сертификати билан тасдиқланган юридик ёки жисмоний шахс.

2. Мазкур авиация қоидалари Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиацияси ҳаво кемалари эксплуатантларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Ҳаво кемасининг эксплуатанти томонидан мазкур авиация қоидаларида белгиланган талаблар доирасида парвоз маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш, фойдаланиш ҳамда уларни сақлашнинг техник процедуралари ҳамда ички назоратни амалга ошириш тартиби бўйича услубий кўрсатмалар (бундан буён матнда услубий кўрсатмалар деб юритилади) ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши мумкин.

4. Ҳаво кемасининг эксплуатанти томонидан ишлаб чиқилган услубий кўрсатмаларда:

парвоз маълумотларини ёзиш ускунасидан параметрик маълумотларни ҳамда товуш маълумотларини йиғиш тартиби;

йиғиб олинган парвоз маълумотларини таҳлил қилиш тартиби;

парвоз маълумотлари ва уларни таҳлил қилиш натижаларини сақлаш тартиби;
парвоз маълумотларининг таҳлили натижалари ва аниқланган камчиликлар бўйича кўриладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш ва назорат қилиш тартиби;

парвоз маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича ишларнинг ҳисобини юритиш тартиби;

парвоз маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш, фойдаланиш ва уларни сақлаш бўйича масъул шахслар (бўлинмалар) доираси ва уларнинг жавобгарлиги ҳамда бошқа зарур қодалар белгиланади.

5. Авиация ҳалокати ёки бахтсиз ҳодиса юз берганда, парвоз маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларни сақлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 27 декабрдаги 505-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида фуқаро ҳаво кемалари билан содир бўлган авиация ҳалокати ва бахтсиз ҳодисаларни текшириш қодаларига мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Парвоз маълумотларини йиғиш

6. Ҳаво кемасининг эксплуатанти компьютерга парвоз маълумотларини ёзиш ускунасида қайд этилган парвоз маълумотларининг йиғиб олиншини таъминлаши лозим.

7. Парвоз маълумотларини йиғиш уларни парвоз маълумотларини ёзиш ускунасидан техник воситалари ёрдамида компьютерга юклаб олиш йўли билан амалга оширилади.

8. Ҳаво кемасининг эксплуатанти томонидан параметрик маълумотлар ҳаво кемасида бажарилган ҳар бир парвоз бўйича йиғиб олинади.

9. Товуш маълумотлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учиб ишларини ташкил этиш бўйича қодаларнинг (ЎЗР АҚ-92) (рўйхат рақами 1773, 2008 йил 26 февраль) XI боби 2-параграфида назарда тутилган ҳолларда йиғиб олинishi керак. Ҳаво кемасининг эксплуатанти парвозлар ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида бошқа ҳолатларда ҳам товуш маълумотларини йиғиб олиши мумкин. Бунда мазкур ҳолатлар услубий кўрсатмаларда кўрсатилган бўлиши лозим.

10. Ҳаво кемасининг эксплуатанти парвоз маълумотларини йиғиб олишда техник имкониятлар (техник воситалар)га эга бўлган ташкилотларнинг хизматларидан келишув асосида фойдаланиши лозим.

11. Парвоз маълумотларини ёзиш ускунасидан парвоз маълумотларини йиғиб олишда ҳаво кемасининг техник эксплуатацияси бўйича қўлланмада белгиланган талабларга риоя қилиниши таъминланиши лозим.

3-боб. Парвоз маълумотларини таҳлил қилиш

12. Йиғиб олинган парвоз маълумотлари ҳаво кемасининг эксплуатанти томонидан таҳлил қилинади.

13. Барча параметрик маълумотлар дастлаб экспресс (тезкор) таҳлил қилинади. Параметрик маълумотларнинг экспресс (тезкор) таҳлил қилиш уларни махсус мантикий алгоритмлардан фойдаланилган ҳолда тезкор таҳлил қилишдан иборат.

Экспресс (тезкор) таҳлил қилиш давомида ҳаво кемасининг асосий парвоз кўрсаткичларидан четга чиққанлиги ҳолатлари аниқланганда, параметрик маълумотлар

тўлиқ таҳлил қилиниши шарт. Бундай ҳолларда, заруратга қараб, товуш маълумотлари ҳам йиғиб олиниши ва таҳлил қилиниши мумкин.

14. Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида учиш ишларини ташкил этиш бўйича қоидаларнинг (ЎзР АҚ-92) (рўйхат рақами 1773, 2008 йил 26 февраль) XI боби 2-параграфида назарда тутилган ҳолларда йиғиб олинган барча товуш маълумотлари тўлиқ таҳлил қилиниши лозим.

4-боб. Парвоз маълумотларини сақлаш

15. Ҳаво кемасининг эксплуатанти:
парвоз маълумотларининг ишончли сақланишини;
парвоз маълумотларидан фойдаланишга рухсати бўлган шахслар доираси белгиланишини;
парвоз маълумотларидаги шахсга оид маълумотларнинг сир сақланиши таъминлаши шарт.

16. Парвоз маълумотлари камида 1 йил сақланиши лозим.

5-боб. Парвоз маълумотларидан фойдаланиш

17. Ҳаво кемасининг эксплуатанти парвоз маълумотлари ва уларнинг таҳлили натижаларидан факат:

парвозлар хавфсизлигига етказилиши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқлашда, уларни бартараф этишда ва парвозлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган зарур чора-тадбирларни белгилашда;

ҳаво кемаси экипажининг профессионал тайёргарлигини, ҳаво кемасинининг учиш бўйича эксплуатация қўлланмаси талабларига риоя қилишини, радиоалоқа олиб бориш ва ўзаро муносабат технологияларининг тўғри бажарилишини ҳамда парвознинг техник сифатини текширишда;

ҳаво кемасининг (унинг тизимлари ва ускуналари, двигателлари ва бошқаларнинг) ишлашини назорат қилишда фойдаланади.

18. Ҳаво кемасининг эксплуатантлари парвоз маълумотларидан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олди олинишини таъминлаши лозим.

6-боб. Яқуний қоидалар

19. Ҳаво кемасининг эксплуатанти парвоз маълумотлари таҳлили натижаларини хар ойда мазкур авиация қоидаларининг иловасига мувофиқ шаклда умумлаштириб боради.

20. Парвоз маълумотлари ва уларнинг таҳлили натижаларини қасддан ўзгартириш ва йўқ қилиш тақиқланади.

21. Профилактик тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги томонидан парвоз маълумотлари ҳаво кемасининг эксплуатанти билан биргаликда мунтазам равишда ўрганиб, таҳлил қилиб борилади.

22. Мазкур авиация қоидалари талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

23. Мазкур авиация қоидалари “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК билан келишилган.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК
бош директори

2015 йил ___ сентябрь.



В. Тян

1
01
01

Фуқаро авиацияси ҳаво кемаларининг парвоз маълумотларини
 йиғиш, таҳлил қилиш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш
 бўйича авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-123)
 ИЛЮВА

**Парвоз маълумотларини таҳлил қилиш натижалари бўйича
 МАЪЛУМОТ**

20 ____ йилнинг ____ ойи учун

(ҳаво кемаси эксплуатантининг номи)

Т/р	Ҳаво кемасининг тури	Ҳаво кемасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари реестрида рўйхатга олинган рақами	Ҳаво кемасида бажарилган парвозлар сони	Таҳлил қилинган параметрик маълумотлар:				Таҳлил қилинган маълумотлари сони
				таҳлил қилинган параметрик маълумотлар сони	аниқланган техник носозликлар / парвоз қўрсаткичларидан четта чикишлар сони	носозликлар / парвоз қўрсаткичларидан четта чикишларни тавсифловчи белгилар	амалга оширилган чора-тадбирлар	

Изоҳ: таҳлил қилинмай қолган парвоз маълумотлари сабаби кўрсатилган ҳолда, жабдалга изоҳ берилади.

Маълумот тузган шахс:

 (лавозими ва Ф.И.О)

 (имзо)

 (сана)